



O'ZSANOATQURILISHBANK

"O'zbekiston sanoat-qurilish banki" aksiyadorlik tijorat banki
"Uzbek Industrial and Construction Bank" Joint-Stock Commercial Bank
Акционерный коммерческий банк "Узбекский промышленно-строительный банк"

Акциядорларнинг навбатдаги ҳисобот умумий йиғилишининг 32 - сонли баённомасидан кўчирма

Манзили «Ўзбекэнерго» ДАК биноси,
Тошкент ш., Хоразм кўчаси, 6

2015 йил 8 май
иш вақти 11.00-13.00

Йиғилишни Банк Кенгаши Раиси ўринбосари – Р.Ғуломов очди.

2015 йил 4 май ҳолатига Банкнинг Устав капитали 615 828 797 748 (олти юз ўн беш миллиард саккиз юз йигирма саккиз миллион етти юз тўқсон етти минг етти юз қирқ саккиз) сўмни ташкил қилади ва у қуйидаги акцияларга бўлинган: Банк акциядорларининг реестрига кўра 2015 йил 4 май ҳолатига Умумий йиғилишда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар рўйхатига жами 187 369 249 дона оддий акциялар киритилган.

Саноқ комиссияси Раиси - Равшан Раҳимбобоев йиғилишда иштирок этиш учун умумий овоз берувчи акцияларнинг 168.034.420 (бир юз олтмиш саккиз миллион ўттиз тўрт минг тўрт юз йигирма) дона ёки 89,7 фоизига эгаллик қилувчи 20 (йигирма) нафар акциядор ва акциядорларнинг вакиллари рўйхатдан ўтганлиги ва Умумий йиғилиш ваколатли, яъни кворум мавжудлигини маълум қилди.

Акциядорлар умумий йиғилишининг Ишчи органлари қуйидаги таркибда тузилди:

Йиғилиш хайъати: Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси ижрочи директори - Р.Ғуломов (Раислик қилувчи), "Ўзбекэнерго" давлат акциядорлик компанияси Бошқарув Раиси - И.Басидов, "Ўзбекнефтегаз" Миллий холдинг компанияси Бошқаруви Раисининг биринчи ўринбосари - А.Султанов, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Раиси ўринбосари А.Хайдаров, Навоий кон-металлургия комбинати Бош директори ўринбосари - С.Ғуломов, Молия вазирлиги Қимматли қоғозлар ва молия бозори бошқармаси бошлиғи - Н.Хусанов ҳамда Банк Бошқарув Раиси С.Ходжаев.

Йиғилиш котибияти: Банкнинг Юридик бошқармаси етакчи мутахассиси - З.Баймурадова, Қимматли қоғозлар билан ишлаш бошқармаси 2-тоифали мутахассиси К.Хасанова.

Саноқ комиссияси: "Тошкент иссиқлик электр станцияси" УК бош бухгалтери - А.Абдурахимов, "НЖ-Файз" МЧЖ бош бухгалтери -

Н.Зайнутдинова, “Ташкинефтегаз” АЖ инспектори - Б.Мейликов, Банкнинг Юридик бошқармаси бош мутахассиси - А.Нодиров, “Ўзбекэнерго” ДАК Энергосотиш филиали сектор бошлиғи - О.Рахмонов.

Акциядорлар Умумий йиғилишининг кун тартибига қуйидаги масалалар киритилган:

1. Банк Кенгаши ва Бошқарувининг йиллик ҳисоботини эшитиш;
2. Банк Тафтиш комиссиясининг хулосасини эшитиш;
3. Банкнинг йиллик ҳисоботини тасдиқлаш;
4. Банк фойдасини тақсимлаш;
5. Банкнинг ташкилий тузилмасини тасдиқлаш;
6. Банк Кенгаши аъзоларини сайлаш;
7. Банк Тафтиш комиссияси аъзоларини сайлаш;
8. Банк Бошқаруви Раиси ва Бошқарув аъзолари билан тузилган меҳнат шартномаларини 1 (бир) йил муддатга узайтириш;
9. Банк Уставига ва “Банк Бошқаруви тўғрисида”ги Низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш.

Кун тартибидаги биринчи масала – “Банк Кенгаши ва Бошқарувининг йиллик ҳисоботини эшитиш” масаласи юзасидан Банк Бошқаруви Раиси – С.Ходжаев ҳисоботи эшитилди.

Кун тартибидаги иккинчи масала – “Банк Тафтиш комиссиясининг хулосасини эшитиш” масаласи бўйича Тафтиш комиссияси аъзоси - А.Камалов тафтиш комиссияси хулосасини ўқиб эшиттирди.

Умумий йиғилиш Раиси Р.Ғуломов акциядорлар умумий йиғилиши кун тартибига киритилган бошқа масалалар бўйича тушунтиришлар бериб ўтди. Кун тартибига киритилган масалалар юзасидан тегишли маълумотлар, Банк Кенгашининг хулосаси ва тавсиялари тарқатма материалларда келтирилган. *Жумладан.*

Кун тартибидаги учинчи масала – “Банкнинг йиллик ҳисоботини тасдиқлаш” масаласи Банк Кенгашининг 2015 йил 9 апрелдаги мажлисида кўриб чиқилганлиги ва дастлабки тарзда тасдиқланганини маълум қилди.

Кун тартибидаги тўртинчи масала – “Банк фойдасини тақсимлаш” масаласи муҳокама қилинди.

Амалдаги конун ҳужжатларига асосан жамиятнинг фойдасини тақсимлаш акциядорлар умумий йиғилиши ваколатига берилган бўлиб, Банк Кенгашининг 2015 йил 27 апрелдаги 18/2015 - сонли йиғилиш баённомаси

билан банк фойдасини тақсимлаш, банк акцияларига дивидендлар миқдори, уларни тўлаш шакли ва тартиби юзасидан тавсиялар берилди.

Кун тартибидаги бешинчи масала – “Банкнинг ташкилий тузилмасини тасдиқлаш” масаласи муҳокамаси қилинди.

“Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни қабул қилинди. Ушбу қонуннинг 59-моддасига биноан, жамиятнинг ташкилий тузилмаси Акциядорлар умумий йиғилишининг қарори билан тасдиқланиши белгиланган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 24 апрелдаги “Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4720-сонли Фармони билан акциядорлик жамиятининг намунавий ташкилий тузилмаси маъқулланган ва мазкур Фармон билан тасдиқланган “Корпоратив бошқарув тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар Дастури”га кўра барча акциядорлик жамиятларида жорий йилнинг 1 августига қадар акциядорлик жамиятининг намунавий ташкилий тузилмаси жорий этилиши кўрсатилган.

Кун тартибидаги олтинчи масала - “Банк Кенгаши аъзоларини сайлаш” масаласи юзасидан Акциядорлар таклифларини ҳамда Банк Устав капиталида уларга тегишли бўлган акциялар улушини инобатга олиб, Банк Кенгашининг номзодлари бўйича маълумот берилди.

Кун тартибидаги еттинчи масала – “Банк Тафтиш комиссияси аъзоларини сайлаш” масаласи бўйича Банк Тафтиш комиссиясининг номзодлари бўйича маълумот бериб ўтилди.

Кун тартибидаги саккизинчи масала – “Банк Бошқаруви Раиси ва Бошқарув аъзолари билан тузилган меҳнат шартномаларини 1 (бир) йил муддатга узайтириш” масаласи юзасидан Банк Кенгашининг ҳулосасига асосан Банк Бошқаруви Раиси - Саидкамол Саидкаримович Ходжаев ва Бошқарув аъзолари Жаҳонгир Обиджонович Обиджонов, Шухрат Исроилович Якубов, Бахтиёр Мамаджанович Усмонов ва Ойбек Розикович Вохидовлар билан тузилган меҳнат шартномаларини бир йил муддатга узайтириш мумкинлиги таъкидланди.

Кун тартибидаги тўққизинчи масала – “Банк Уставига ва “Банк Бошқаруви тўғрисида”ги Низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш” масаласи бўйича қуйидагилар маълум қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 24 апрелдаги “Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ – 4720 – сонли Фармони ва мазкур фармон билан тасдиқланган “Корпоратив бошқарув тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар Дастури”да хорижий менежерлар тайинланиши мумкин бўлган, акциядорлик жамияти ижро органининг раҳбарларини танлов асосида қўйиш амалиётини жорий этиш ва бу қоида

бўйича акциядорлик жамиятлари Уставига тегишли ўзгартиришлар киритилиши бўйича маълумот берилди.

Кун тартибидаги масалаларни кўриб чиқиб, Банк Акциядорларининг умумий йиғилиши

ҚАРОР ҚИЛДИ:

1. Банкнинг 2014 йил фаолияти тўғрисидаги Банк Кенгаши ва Бошқарувининг ҳисоботи тасдиқлансин. Банк Кенгаши ва Бошқарувининг фаолияти қониқарли деб топилсин;

Мазкур масала бўйича овоз бериш натижалари:

Овоз берилди: 168.034.420 овоз

«Ёқлайман» - 168.034.420 овоз, «Қаршиман» - йўқ, «Бетарафман» – йўқ.

1.1. Банк Кенгаши ва Бошқаруви мижозларга хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш ҳамда янги хизмат турларини жорий этиш асосида Банкни ривожлантириш, унинг инвестицион фаолияти самарадорлигини, шунингдек кредит қўйилмалари рентабеллигини ошириб боришни, акциядорлар ва омонатчиларнинг манфаатларига риоя қилинишини таъминласин;

1.2. Қуйидагилар Банкнинг 2015 йилдаги фаолиятининг асосий йўналишлари этиб белгилансин:

- Банк Кенгаши ва Бошқаруви мижозларга комплекс хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш ҳамда янги хизмат турларини жорий этиш асосида Банкни ривожлантириш, унинг инвестицион фаолияти самарадорлигини, шунингдек кредит қўйилмалари рентабеллигини ошириб боришни, акциядорлар ва омонатчиларнинг манфаатларини тўлиқ ҳимоя қилинишини таъминлаш;

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 13 августдаги ПҚ-944-сонли “Ўзбекистон акциядорлик тижорат саноат-қурилиш банкининг капиталлашув даражасини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2010 йил 26 ноябрдаги ПҚ-1438-сонли “2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида”ги ва 2014 йил 23 майдаги ПҚ-2179-сонли “Ўзбекистон саноат-қурилиш банки” очик акциядорлик тижорат банкининг Устав капиталини ошириш қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорлари ва 2015 йил 24 апрелдаги “Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4720-сонли фармони ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 26 мартдаги 83-сонли

“Ўзбекистон саноат-қурилиш банки” очик акциядорлик тижорат банки капиталлашувини оширишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорида белгиланган банкнинг энг асосий ва муҳим вазифаларини доимий тарзда ижросини таъминлашга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириб бориш;

1.3. Банк Кенгаши томонидан Банкнинг 2015 йил учун Бизнес режаси 626.652,2 млн. сўм миқдорида даромад, 565.452,2 млн. сўм миқдорида харажат ва 61.200,0 млн. сўм миқдорида соф фойда олиш назарда тутилган ҳолда тасдиқланганлиги маълумот учун қабул қилинсин. Банк Бошқаруви Бизнес режа параметрларининг бажарилишини таъминласин.

2. Банкнинг 2014 йилдаги молиявий хўжалик фаолиятини текшириш натижалари тўғрисидаги Тафтиш комиссиясининг ҳисоботи ва хулосаси тасдиқлансин.

Мазкур масала бўйича овоз бериш натижалари:

Овоз берилди: 168.034.420 овоз

«Ёқлайман» - 168.034.420 овоз, «Қаршиман» - йўқ, «Бетарафман» – йўқ.

3. Банкнинг 2014 йил якунлари бўйича йиллик ҳисоботи тасдиқлансин:

Мазкур масала бўйича овоз бериш натижалари:

Овоз берилди: 168.034.420 овоз

«Ёқлайман» - 168.034.420 овоз, «Қаршиман» - йўқ, «Бетарафман» – йўқ.

4. Банк Кенгаши таклиф этган банк фойдасини таксимлаш тартибига розилик билдирилсин.

Таксимланиши лозим бўлган 52.267,9 млн.сўм миқдордаги банк фойдаси қуйидагиларга йўналтирилсин:

- Умумий мақсадли захирани шакллантиришга – 7.840,2 млн.сўм;

- Банк акциялари номинал қийматини ошириш орқали Банк Устав капиталини кўпайтиришга – 26.900,0 млн.сўм;

(Банкнинг 2014 йилдаги соф фойдасининг бир қисми ҳисобига Банк акцияларининг номинал қийматини ошириш орқали Банк Устав капиталини кўпайтириш Банкнинг XIX – эмиссия доирасида чиқарилган акцияларни жойлаштириш натижаларидан сўнг қонунчиликда ва Банк Уставида белгиланган тартибда амалга оширилсин).

- Банкнинг имтиёзли акциялари бўйича дивидендлар тўлашга – 1.495,9 млн.сўм;

- Банкнинг оддий акциялари бўйича дивидендлар тўлашга – 15.700,0 млн.сўм;

- Бошқарув ва назорат органлари аъзоларини тақдирлашга – 309,0 млн. сўм.

Мазкур масала бўйича овоз бериш натижалари:

Овоз берилди: 168.034.420 овоз

«Ёқлайман» - 168.034.420 овоз, «Қаршиман» - йўқ, «Бетарафман» – йўқ

4.1. Банк акциялари бўйича 2014 йил учун дивидендлар тўлаш ҳақидаги Банк Кенгашининг таклифи қабул қилинсин ва қуйидаги миқдорда дивидендлар тўлансин:

- имтиёзли акциялар бўйича йиллик 23 % ҳисобидан – 1.495,9 млн. сўм миқдорида;

- оддий акциялар бўйича йиллик 2,6 % ҳисобидан – 15.700,0 млн. сўм миқдорида.

Дивидендларни тўлаш акциядорларнинг ҳисоб рақамларига пул ўтказиш орқали мазкур қарор тўлиқ расмийлаштирилгандан сўнг, лекин ушбу қарор қабул қилинган кундан эътиборан 60 кундан кеч бўлмаган муддатда амалга оширилсин.

Мазкур масала бўйича овоз бериш натижалари:

Овоз берилди: 168.034.420 овоз

«Ёқлайман» - 168.034.420 овоз, «Қаршиман» -йўқ, «Бетарафман»– йўқ.

5. Банкнинг ташкилий тузилмаси тасдиқлансин. Банкнинг тасдиқланган ташкилий тузилмаси асосида филиалларнинг ташкилий тузилмасини тасдиқлаш Банк Бошқарувига юклатилсин.

Мазкур масала бўйича овоз бериш натижалари:

Овоз берилди: 168.034.420 овоз

«Ёқлайман» - 157.128.899 овоз, «Қаршиман» - йўқ, «Бетарафман» – 10.905.521 овоз.

6. Кумуллятив овоз бериш натижаларига кўра, Банкнинг Санок комиссияси баённомасига мувофиқ Банк Кенгаши аъзолари қуйидаги таркибда сайлансин:

№	Сайланувчининг фамилияси, исми ва отасининг исми	Эгаллаб турган лавозими	Тўпланган овозлар сони	Тўпланган овозлар (фоизда)
1.	Мирзаев Мубин Мухитдинович	Ўзбекистон Республикаси Молия вазири ўринбосари	355 378 093	23,5
2.	Хайдаров Аҳадбек Яҳёбекович	Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Раиси ўринбосари	211 174 274	14,0
3.	Ғуломов Равшан Аюбович	Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси ижрочи директори	189 728 096	12,5

4.	Басидов Искандар Сабитович	“Ўзбекэнерго” ДАК Бошқаруви Раиси	141 693 801	9,4
5.	Файзуллаев Шокир Насибуллаевич	“Ўзбекнефтегаз” МХК Бошқаруви Раиси	126 265 601	8,3
6.	Ибрагимов Ғуломжон Иномович	Ўзбекистон Республикаси Бош Вазир ўринбосари	122 368 791	8,1
7.	Ғуломов Саидахрол Ғаниевич	Навоий кон-металлургия комбинати Бош директори ўринбосари, миноритар акциядорлар манфаатларини ифода этади	121 900 638	8,1
8.	Хусанов Нодирбек Джуммаевич	Молия вазирлиги, Қимматли қоғозлар ва молия бозори бошқармаси бошлиғи	121 900 493	8,1
9.	Мухтаров Улугбек Хакимович	Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси, бошқарма бошлиғи ўринбосари	121 899 993	8,1

7. Акциядорлар умумий йиғилишининг овоз бериш натижаларига кўра, Банкнинг Саноқ комиссияси баённомасига мувофиқ Банк Тафтиш комиссияси таркибига қуйидагилар сайлансин.

7.1. Абдувалиева “Ўзбекэнерго” ДАК,
Фарида Абдурахимовна бош мутахассис
Мазкур номзод бўйича овоз бериш натижалари:
Овоз берилди: 168.034.420 овоз
«Ёқлайман» - 168.034.420 овоз, «Қаршиман» - йўқ, «Бетарафман» – йўқ.

7.2. Дўсматов Ўзбекистон Республикаси Молия
Фарход Мусурмонович вазирлиги, бошқарма бошлиғи
Мазкур номзод бўйича овоз бериш натижалари:
Овоз берилди: 168.034.420 овоз
«Ёқлайман» - 168.034.420 овоз, «Қаршиман» - йўқ, «Бетарафман» – йўқ.

7.3. Камалов Ўзбекистон Республикаси Молия
Аюбхон Арибджанович вазирлиги, бўлим бошлиғи
Мазкур номзод бўйича овоз бериш натижалари:
Овоз берилди: 168.034.420 овоз
«Ёқлайман» - 168.034.420 овоз, «Қаршиман» - йўқ, «Бетарафман» – йўқ.

7.4. Туляганов Фаррух Абдурасулович Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси, бош мутахассиси
Мазкур номзод бўйича овоз бериш натижалари:
Овоз берилди: 168.034.420 овоз
«Ёқлайман» - 168.034.420 овоз, «Қаршиман» - йўқ, «Бетарафман» – йўқ.

7.5. Юсупов Олим Анварович Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси, бош мутахассиси
Мазкур номзод бўйича овоз бериш натижалари:
Овоз берилди: 168.034.420 овоз
«Ёқлайман» - 168.034.420 овоз, «Қаршиман» - йўқ, «Бетарафман» – йўқ.

8. Банк Бошқаруви Раиси - С.Ходжаев ва Бошқаруви аъзолари - Ж.Обиджонов, Ш.Якубов, Б.Усмонов, О.Воҳидов. билан тузилган меҳнат шартномалари 1 (бир) йил муддатга узайтирилсин.

Мазкур масала бўйича овоз бериш натижалари:
Овоз берилди: 168.034.420 овоз
«Ёқлайман» - 168.034.420 овоз, «Қаршиман» - йўқ, «Бетарафман» - йўқ.

9.1 Банк Уставига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар тасдиқлансин (илова қилинади).

Мазкур масала бўйича овоз бериш натижалари:
Овоз берилди: 168.034.420 овоз
«Ёқлайман» - 168.034.420 овоз, «Қаршиман»-йўқ, «Бетарафман» - йўқ

9.2 “Банк Бошқаруви тўғрисида”ги Низомга киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар тасдиқлансин (илова қилинади).

Мазкур масала бўйича овоз бериш натижалари:
Овоз берилди: 168.034.420 овоз
«Ёқлайман» - 168.034.420 овоз, «Қаршиман»-йўқ, «Бетарафман»-йўқ

“Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ Акциядорлари
умумий йиғилиши Раиси:

Акциядорлар умумий
Йиғилиши котибияти:



Р.Фуломов

З.Баймурадова
К.Хасанова

Аслимга тўғри